

Умранинг аҳкомлари | Фиқҳ дарслари (354-дарс)



19:00 / 20.11.2025 1041

عَبْرًا وَفَرَعًا مَوِيَّةً وَتَهْرُكًا وَنَسْلًا لِكَيْ يَفْتَرَجَ وَيُعَسَّوْهُ فَاَوْطَأَ يَهْوُ، وَنَسْءُ رَمُوعًا وَ
أَهْدَغَبَ.

Умра суннатдир. У тавоф ва саъйдан иборатдир. Умра йил давомида жоиздир. Арафа куни ва ундан кейинги тўрт кунда макруҳдир.

«Умра» сўзи зиёрат маъносини англатади.

Ислом шариатида эса Байтуллоҳнинг махсус зиёратига умра дейилади.

Ҳанафий мазҳаби уламолари умр давомида бир марта умра қилишни суннати муаккада дейишган.

жўнаса, ўша ерда эҳромга киради. Аҳли Макка Маккадан».

Икки шайх ривоят қилишган.

2. Аҳли Ироқнинг мийқоти – Зоту ирқ.

لَمْ يَلِ التَّقْوَى وَرَمَى بِهِنَّ جِلْدَ لَئِيْلٍ لَّئِيْلٍ صَدَّ لَئِيْلٍ لَّئِيْلٍ وَسَرَّ نَأْفًا نَعَّ جِلْدَ لَئِيْلٍ صَدَّ لَئِيْلٍ لَّئِيْلٍ
دَمْحًا أَوْ يَسْنَنًا لَأَوْ دُوَادُ وَبَأْهَ أَوْ رِقْعَةً تَأْزِقُ أَرْغُلًا

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам аҳли Ироққа Зоту ирқни мийқот қилдилар».

Абу Довуд, Насоий ва Аҳмад ривоят қилишган.

3. Шом аҳли ва ўша тарафдан келадиганларнинг мийқотлари Жухфа бўлиб, у Робиғ деган жойга яқиндир. Ҳозир Робиғдан эҳромга кирилади.

4. Нажд ва ўша тарафдагиларнинг мийқоти – Қорнул Манозил номли жой.

5. Яман аҳлининг мийқоти – Яламлам.

Ушбу мийқотлар Пайғамбаримиз алайҳиссалом белгилаб берган мийқотлардир. Ҳозирги кунда мазкур жойлар ва ўша жойларнинг рўпарасидаги ҳудудлар мийқотлардир.

Сув ва ҳаво йўли билан келаётган ҳожилар самолётга чиқишдан олдин ғусл қилиб, эҳром кийимларини кийиб олишса ҳам, мийқотга яқинлашганда ният қилиб, талбия айтишлари лозим бўлади. Баъзилар Жиддага келибоқ, эҳромга кира бошлайдилар. Ваҳоланки, бундай қилиш асло жоиз эмас.

Маккаи Мукаррамага кириш нияти йўқ кишилар Жиддага эҳромсиз кирсалар бўлади. Шунингдек, аввал Мадинаи мунавварага боришни ният қилганлар ҳам, яна мийқотдан қайтиб чиқишлари борлиги учун, Жиддага эҳромсиз киришлари мумкин.

Маккага киришни ният қилганлар учун эҳромни мазкур мийқотлардан кейинга суриш ҳаромдир, олдиндан эҳромга кириш ҳаром эмас.

Бунда ҳажни ёки умрани ният қилганми ёхуд қилмаганми, фарқи йўқ. Модомики, Маккага кирмоқчими, эҳромда бўлиши керак. Агар эҳромга

кирмасдан мийқотдан ўтиб кетса, бир жонлиқ сўйиш вожиб бўлади. Ёки қайтиб чиқиб, мийқотдан эҳромга кириши керак бўлади. Шунда жонлиқ сўйиш соқит бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар Ҳарами Маккийга доимо эҳром ила кирганлар.

«الْحَقُّ نَأْمَسُ وَهِيَ لَعْلَعُ الْجَلْبِ صَيَّبْنَا لِنَعِ، أَمْ هُنَّ عُلُجُ الْجَلْبِ صَيَّبْنَا لِنَعِ نَبَا نَعِ
«يَوْمَ نَمَلُ الْبَكَتْرَ دَقَفَ، أَلَا حُزَّوَجَ إِذِ افْتِ، أَمْ حُمُ الْإِدْحَ أَتَاقِي مَلُ الْوَأَجِي».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мийқотдан бирор киши зинҳор эҳромсиз ўтмасин. Қачон ҳалол ҳолида ўтса, қайтарилган ишни қилган бўлади», дедилар».

Аммо Ҳарамнинг чегарасидан ичкарига кириш нияти йўқ бўлса, эҳромга кирмаса ҳам бўлаверади, чунки бу ҳолда мийқот билан Ҳарамнинг орасидаги аҳолининг ҳукмига кириб қолади.

Аммо мийқотга етмай туриб эҳромга кириб олса, ҳечқиси йўқ.

Мийқотнинг ичидаги ерлар аҳолисига Маккага эҳромсиз кириш ҳалолдир.

Мийқот билан Ҳарамнинг чегараси орасида анчагина ерлар бор. Мисол учун, аҳли Мадинани оладиган бўлсак, Зул-Ҳулайфадан то Танъимгача (Танъим – Оиша онамизнинг масжидлари) бўлган ҳудуддаги ерлар мийқот ичи ҳисобланади. Ана ўша ҳудудда яшовчи кишилар Маккага ҳаж ёки умрани ният қилмасдан борсалар, эҳромга киришлари шарт эмас. Чунки улар эҳтиёж юзасидан Маккага кўп марта кириб-чиқиб туришларига тўғри келади. Ҳар сафар эҳромга кириб-чиқиш эса уларга қийинчилик туғдиради.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан қилинган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтинчиларга Маккага эҳромсиз киришга рухсат берганлари айтилади.

Ибн Умар розияллоҳу анҳу Маккадан чиқиб, Мадинага кетаётганларида ва Кадид номли ерга етганларида Мадинада фитна юз берганини эшитиб, ортларига қайтганлар ва Маккага эҳромсиз кирганлар.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.